УДК: 616-039.2+614.454

ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Юсупов Машраб Исматиллович, Мухторов Анвар Алишер ўғли
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ОСТРЫМИ КИШЕЧНЫМИ ИНФЕКЦИЯМИ

Юсупов Машраб Исматиллович, Мухторов Анвар Алишер угли
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ORGANIZATIONAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE TREATMENT OF CHILDREN WITH ACUTE INTESTINAL INFECTIONS

Yusupov Mashrab Ismatillovich, Mukhtarov Anvar Alisher ugli
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

ORCID https://orcid.org/0009-0009-2742-7569
e-mail: mr.mash@mail.ru
e-mail: anvarmuxtorov35@gmail.com

Резюме. *2018-2021 йиллар давомида ўтказилган тадқиқотда даволаш-профилактик муассасаларида антимикроб препаратларни қўллаш бўйича умумий амалиёт шифокори, клиник фармаколог, врач-бактериолог, муассасадаги тиббий-профилактика ходимидан иборат мутахассислардан тузилган жамоа тавсияси асосида даволаниш 78% ҳолатда самарали бўлди. Бактериологик лаборатория ҳар куни аниқланган таҳлил натижаларини бўлимлар, қўзғатувчи хусусиятлари, зарарланиш соҳаси бўйича эълон қилиниши антибиотикларга резистент ичак таёқчалари чақирган касалликларнинг 81% ҳолатда асоратсиз даволанишига сабаб бўлди. Мониторинг натижасида олинган антимикроб дори воситаларининг маълумотлар базаси шакллантирилиши ичак таёқчасининг антибиотикларга нисбатан резистентлигини 75% ҳолатга камайтиди.*

Калит сўзлар: *ичак таёқчаси, болалар, E.coli, антибиотиклар, мониторинг, колиинфекция, гемолитик.*

Abstract. *The organization of treatment according to the recommendations of the established team, consisting of a general practitioner, a clinical pharmacologist, a bacteriologist and a medical and preventive worker of the institution, made it possible to increase the effectiveness of treatment up to 78% of cases. Due to the bacteriological laboratory recording the results of analyzes by hospital departments, the characteristics of the pathogen and the affected area on a daily basis, 81% of diseases caused by antibiotic-resistant E. coli are treated without complications. The formation of a database of antimicrobial drugs obtained as a result of monitoring made it possible to reduce the resistance of E. coli to antibiotics by 75%*

Key words: *E. coli, children, antibiotics, monitoring, coliinfection, hemolytic.*

Муаммонинг долзарблиги: Жаҳоннинг ривожланган кўпчилик мамлакатларида кузатилаётган диарея касаллигини асосан Escherichia colининг гемолитик штаммлари келтириб чиқариши қайд этилган ва ичакдан ташқаридаги шакллари инсон организмининг репродуктив [1; с. 611-616], сийдик ажратиш тизими касалликларида (цистит, пиелонефрит) эшерихияларнинг ҳиссаси 40% дан 90% гача ташкил қилиб, касалликнинг турига, жинсига ва ёшига боғлиқ [2; с. 147-151]. 10%-30% ҳолатларда эса [3; с. 602-606], эшерихийлар касалхона ичи зотилжами ривожланишига сабаб бўлади [4; с. 202-205]. Замонавий антибиотик воситаларининг кенг қўлланилаётганлигига қарамасдан эшерихиоз касаллигини даволаш долзарб бўлиб [5; с. 35-39], касалланиш ҳолатларининг миқдори ва ўлим бериш сони билан бошқа инфекцион касалликлар ичида етакчи ўринда сақланмоқда [6; с. 236-244].Эшерихиоз билан касалланган болаларнинг асосий қисмини сунъий озиқланишда бўлган болалар ташкил қилмоқда [7;

с. 272-276]. Касаллик асосан преморбид фон асосида ривожланади [8; б. 58-63]. Микрорганизмларнинг антибиотико-резистентлигини мониторинг қилишда хавф омилларининг махсуслиги [9; с. 25-33], бемор болаларнинг шифохонадан ташқарида уюшган ёки уюшмаганлигини инобатга олиш лозим [10; с. 252-256].

Тадқиқот мақсади: Гемолитик эшерихиоз билан касалланган болаларни даволашнинг ташкилий тартибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Кузатувимизда бўлган барча ЎИИ билан касалланган болаларга комплекс эпидемиологик, клиник, лаборатор текширувлар, жумладан нажас бактериологик таҳлили, серологик (агглютинация реакцияси, қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил) усуллар ёрдамида текширилди. Даволаш мақсадида ишлатилаётган антибактериал препаратларнинг (АБП) самарадорлигини клиник баҳолашда (*in vitro* олинган натижаларни инобатга олган ҳолда), АБПлар стандарт дозаларда юборилиб, муолажа бошлангандан сўнг 48 соат муддат ичидаги клиник белгиларнинг ўзгаришига қараб баҳоланади. Яхши натижа берган ҳолатда бактерияларни ишлатилган АБПларга сезгир (чидамсиз) деб; антибиотик максимал дозада юборилганда ҳам самара бермаганда антибиотикларга чидамли (сезгирлиги йўқ) деб белгиладик. *E. coli* штаммларининг идентификацияси И.И. Мечников номидаги «Биомед» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган ОКА, ОКВ, ОКС, ОКД ва ОКЕ гуруҳидаги поливалент эшерихиоз зардобларидан фойдаланган ҳолда ойнача устида агглютинация реакцияси ёрдамида амалга оширилди

Олинган натижалар ва муҳокамалар: Тадқиқот давомида Пайариқ ТТБ юқумли касалликлари бўлими (ПЮКБ) ва Навоий вилояти юқумли касалликлар шифохонасида (НВЮКШ) амалиёт шифокори, клиник фармаколог, микробиолог (врач лаборант) ва муассасага масъул тиббий профилактика мутахассисидан иборат жамоа тузилди ва бунда тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётган антибактериал воситаларидан айрим препаратлари орқали даво профилактик чора - тадбирлари олиб борилди. Бунга кўра антибиотикорезистент гемолитик ичак таёқчасига қарши қўлланилаётган антибиотиклардан Цефепим, Нитрофуран, Цефтриаксон, Цефатоксим, Цефтазидим, Амикацин, Фосфомицин каби антибактериал дори воситаларига нисбатан юқори сезгирлик аниқланилганлиги сабабли микробиологлар томонидан тавсия этилишига қарамасдан, фармакологлар Цефтриаксон, Фосфомициндори воситалари 5 ёшгача бўлган болаларга қўллаш тавсия этилмаслигини инобатга олиб, даволаш рўйхатидан чиқариб ташлашди. Натижада Навоий вилояти юқумли касалликлари шифохонасидаги амалиёт шифокорлари гемолитик эшерихиоз билан касалланган 64 нафар ҳамда Пайариқ ТТБ юқумли касалликлари шифохонасида 77 нафар болаларни даволашда тавсия этилган Цефепим ва Нитрофурандан фойдаланишган. 5 кун давомида даволанган жами 190 нафар болалардан 49 нафари анъанавий усулда даволанган ва уларнинг соғайиш муддати ўзаро қиёсий таҳлил қилинди.

1 – жадвалдан кўриниб турибдики, мутахассислар тавсия этган антибиотик натижасида даволанганда болаларнинг асосий қисмида тузалиш 3 ва 4 кунларга тўғри келган бўлса, ананавий даволанганда бу кўрсаткич 5 кунда намоён бўлган. Бунда эса, мутахассислар антибиотик ва бактериянинг хусусиятларидан келиб чиқиб тавсия қилган даво чораси бемор болаларни соғайиш муддатининг қисқариши эвазига даволаш самарадорлиги 78% га ортганлиги аниқланди.

Микробиологик лаборатория ҳар куни аниқланган микробиологик таҳлили натижаларини турли бўлимлардан келганлигини, қўзғатувчиларнинг биологик хусусиятларининг ҳар хиллиги, зарарланган тизим, аъзо ва тўқималар турлича бўлганда ажратилган антибиотикларга резистент E.coliни мониторинг жадвали шакллантирилиб, унга даволаш услуби тавсия этилганлиги антибиотикларга резистент ичак таёқчаларини даволашни 81% ҳолатда асоратсиз даволанишига сабаб бўлди (2-жадвалга қаранг).

Жадвал 1. Мутахассислардан иборат жамоа тавсияси ва ананавий даво қилинганда беморларнинг касалликдан тузалиш давомийлиги

Антибиотик	3 кун		4 кун		5 кун	
	НВЮКШ* (n=90)	ПЮКБ** (n=100)	НВЮКШ (n=90)	ПЮКБ (n=100)	НВЮКШ (n=90)	ПЮКБ (n=100)
Нитрофуран	9	11	12	14	13	16
Цефепим	7	8	11	13	12	15
Классик даво	5	4	7	6	14	13

Изоҳ: * - Навоий вилояти юқумли каслликлари шифохонаси; ** - Пайариқ ТТБ юқумли касалликлари бўлими

Жадвал 2. Бўлимларда аниқланган E.coliнинг антибиотикларга нисбатан резистентлик кўрсаткичлари

Бўлимлар	Макролидлар		Аминогликозидлар		Фторхинолонлар		β- лактам анти-биотиклар	
	абс. (n=71)	%	абс. (n=54)	%	абс. (n=52)	%	абс. (n=48)	%
Хаво томчи инфек-циялари	16	22,5%	12	22,2%	9	17,3%	45	93,8%
Ичак инфекциялари	14	19,7%	18	33,3%	11	21,2%	35	72,9%
Бруцеллёз бўлими	13	18,3%	11	20,4%	10	19,2%	21	43,8%
Юқори иситма би-лан кечувчи касал-ликлар	14	19,7%	25	46,3%	12	23,1%	27	56,3%
Реанимация бўлими	15	19%	17	31,5%	13	25,0%	26	54,2%



Расм 1. Анъанавий ва мутахассислар тавсия этган усулда даволанилган беморларда асоратлар келиб чиқиши бўйича тақсимланиши

Тадқиқотлар вақтида юқумли касалликлар шифохонасининг бошқа бўлимларида аниқланган гемолитик E.coli бактерияларининг антибиотикларга нисбатан муносабати ўрганилганда фторхинолонларга нисбатан бактерияларнинг чидамлилиги паст эканлиги аниқланди. Динамикада шу дори воситасидан фойдаланиш тавсия этилганда, касаллик 81% ҳолатда асоратсиз даволанди.

Мониторинг жадвалидан кўриниб турибдики, шифхонадаги бўлимлардан келтирилган намуналардаги E.coli бактериялари макролид ва аминогликозид гуруҳидаги антибиотикларга нисбатан 19-34% гача сезгир бўлишига қарамасдан фармакологлар томонидан тавасия этилмаган. β- лактам антибиотиклар болаларга нисбатан зарарли таъсири кам бўлсада, қўзғатувчининг бу препаратларга нисбатан ўта юқори резистентлиги сабабли фторхинолон гуруҳи антибиотиклари танланишига олиб келди ва натижада юқори самарадорликка эришилди.

Мониторинг натижасида олинган микробларга қарши дори воситаларининг маълумотлар баъзаси шакллантирилиши ичак таёқчасининг антибиотикларга нисбатан резистентлигини 75% ҳолатга камайтирди.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, антибиотикларга резистент гемолитик эшерихиялар қўзғатган диареяларни даволашда ташкилий – услубий тамойилларни такомиллаштиришда, ЎИИ касаллиги олдини олиш бўйича ўтказилиши лозим бўлган чора тадбирларни йўлга қўйиш ва бу касаллик назоратини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш лозим. Даволаш профилактик муассасаларида микробларга қарши препаратларни қўллаш бўйича амалиёт шифокори, клиник фармаколог, микробиолог ва муассасадаги тиббий профилактика ходимидан иборат мутахассислардан тузилган жамоа тавсияси асосида даволанишда самарадорлик 78% ҳолатда самарали бўлди. Микробиологик лаборатория ҳар кунлик аниқланган микробиологик таҳлили натижаларини бўлимлар, қўзғатувчи хусусиятлари, зарарланиш соҳаси бўйича эълон қилиши антибиотикларга резистент ичак таёқчаларини даволашни 81% ҳолатда

асоратсиз даволанишига сабаб бўлди. Мониторинг натижасида олинган микробларга қарши дори воситаларининг маълумотлар базаси шакллантирилиши ичак таёқчасининг антибиотикларга нисбатан резистентлигини 75% ҳолатга камайтирди.

Адабиётлар:

1. Юсупов М. И., Одилова Г. М., Шайкулов Х. Ш. Об изменении свойств кишечных палочек при поносах у детей // Экономика и социум. – 2021. – №. 3-2 (82). – С. 611-616.
2. Odilova G. Bolalarda diareyani keltirib chiqaruvchi ichak tayoqchasining xususiyatlari //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 147-151.
3. Юсупов М. И., Одилова Г. М., Жамалова Ф. А. Появление гемолитеческих свойств у кишечных палочек в зависимости от состава питательной среды //Экономика и социум. – 2021. – №. 3-2 (82). – С. 602-606.
4. Юсупов М. И., Шайкулов Х. Ш., Одилова Г. М. Антигенные сходства штаммов e. coli, выделенных от детей и их матерей //Проблемы биологии и медицины. – 2020. – Т. 6. – С. 202-205.
5. Мухамедов И. М., Юсупов М. И., Шайкулов Х. Ш. Дифференциальный диагноз энтероколитов у детей //Innova. – 2022. – №. 2 (27). – С. 35-39.
6. Шодиевич Ш. Ҳ., Нарзиев Д. У. БОЛАЛАР Ичак эшерихиозини даволашда антибиотикорезистент лактобактериялардан фойдаланишнинг самарадорлиги //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2023. – Т. 1. – №. 17. – С. 236-244.
7. Юсупов М. И. и др. Иммунный статус детей с коли инфекцией, вызванной гемолитическими эшерихиями до и послелечения бифидумбактерином и колибактерином //Биомедицина ва амалиёт. Самрқанд. – 2021. – Т. 6. – С. 272-276.
8. Юсупов М. И., Ризаев Ж. А., Зиядуллаев Ш. Х. Esherixioz bilan kasallangan bolalarda sitokinlarning ahamiyati //Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 4.
9. Shaykulov, X. S., & Boboqandova , M. F. (2023). Ichak o‘tkir yuqumli kasalliklari bilan kasallangan bolalarda shartli patogen nterobakteriyalarning uchrashi. *golden brain*, *1*(4), 25–33. Retrieved from https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/1589
10. Isrofilovna M. N., Qizi O. B. Q., Qizi S. M. R. Ichak infektsiyalarining patogenezi va diagnostikasida allergiyaning roli //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2023. – Т. 1. – №. 17. – С. 252-256.

ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ОСТРЫМИ КИШЕЧНЫМИ ИНФЕКЦИЯМИ

Юсупов М.И., Мухторов А.А.

Резюме. *Эффективность применения противомикробных препаратов в лечебно-профилактических учреждениях по рекомендациям группы специалистов, состоящей из врачей общей практики, клинических фармакологов, врачей-бактериологов, медицинского и профилактического персонала учреждения, в период с 2018 по 2021 год составила 78%. Благодаря ежедневному фиксированию бактериологической лабораторией результатов анализов по отделениям больниц и прочим характеристикам возбудителей в 81% заболеваний, вызванных антибиотикорезистентными кишечными палочками, проходили без осложнений. Формирование базы данных антимикробных препаратов, полученных в результате мониторинга, позволило снизить резистентность кишечной палочки к антибиотикам в 75% случаев.*

Ключевой слова: *кишечная палочка, дети, E.coli, антибиотики, мониторинг, колиинфекция, гемолитический.*